



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 20 февраль  
Чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 37 (2865)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## РЕФЕРЕНДУМ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЗОҲИР БЎЛИШИ

Фарруха МУҲИТДИНОВА,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари

Келгуси чақирикда икки палатали парламентни сайлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масалалари бўйича 2002 йилнинг 27 январидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми миллий давлатчилик институтларини ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Зеро, бу босқич Президентимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурилган мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг XXI аср бошларидаги стратегиясининг таркибий қисми бўлиб қолади. Янги замон талабларига мувофиқ ҳокимият юқори органларининг фаолиятини қонун йўли билан аниқ тартибга солимай туриб ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш бўйича олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Халқ томонидан қўллаб-қувватланадиган кучли ва адолатли ҳокимият ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий фуқаролик жамияти, келажаги буюк давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Референдумда қабул қилинган қарор ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг янги босқичи бўлиб қолади. Ушбу сиёсий воқеа фуқароларнинг мамлакатимиз мустақиллигига бўлган муносабатини, бутунги воқелигимизни ва истиқболга бўлган ишончларини ёрқин ифода қилади.


Хар қандай сиёсий воқеа, агар мамлакат фуқароларининг кўпчилиги унга хайрихоҳлик билдирса, у аҳолининг ишонч ва оруз-умидларини акс эттирган бўлади, натижада ҳаракатлантирувчи кучга, тараққиёт омилига айланади. Яқинда бўлиб ўтган референдум айна шу жиҳатлари билан муҳим аҳамият касб этди. Айни референдум пайтида халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишга қодир эканлигини, рўй бераётган воқеаларга муносабатини очиқ-ошкора намойиш этишини кўрсатди.

Айтиш мумкинки, айни ана шу референдум орқали фуқаролар тафаккури ўзгараётгани, ижтимоий-сиёсий жараёнда иштироки фаоллашганлиги аён бўлди. Фуқаролик жамиятининг яхлит қиёфаси кўз ўнгимизда ёрқинроқ намойиш бўлаётган воқеликка айланади. 2002 йилнинг 27 январь кунини бўлиб ўтган референдум биз учун қандай аҳамият касб этди?

Биринчидан, бу галги референдум бутунлай янги тарихий шарафда, фуқаролик жамияти шаклланиб, демократик тамойиллар мустақамланиб бораётган бир алфозда, яқин ўтмишга хос ура-урачиликдан холи тарзда, ортиқча ташвиқот ва тартиб, даъват-у чақирилмасиз ўтди. Яқин ўтмишдаги барча сайловчиларнинг хўжа кўрсин қабилдаги тўла яқиллиги ёки бўлмаса 99,99 фоиз «қўллаб-қувватлаганлиги» шаклида эмас, аксинча ҳар бир фуқаро ўз мустақил фикрига эга эканлиги, ўз хоҳиш-иродасини очиқ намойиш қилиши мумкинлигини, сўз эркинлиги, хоҳиш-иродани эркин изҳор этиш реал воқеликка айланаётганлигини кўрсатди.


(Давоми 2-бетда).

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил кенгайиб бормоқда. Ҳозирга қадар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларни қамраб олган қатор кўшма ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳамкорлигимиз ривожини сиёсий, савдо-иқтисодий, шунингдек, ҳарбий соҳада ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ҳарбийлар АҚШнинг ҳарбий ўқув юртыда малака ошириб қайтмоқда. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасидаги алоқалар самарали кечмоқда.

Шу кунни Президент Ислам Каримов Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускасини ҳам қабул қилди. Давлатимиз раҳбари бу меҳмон билан узок йиллик кадрдон дўстдир. Ислам Каримов 1995 йили Литвага бориб, ўша кезлари президент лавозимини эгаллаб турган А.Бразаускас билан кенг қамровли музокаралар ўтказган ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қатор ҳужжатларга имзо чеккан эди. 1997 йили А.Бразаускас жавоб ташири билан Ўзбекистонда меҳмон бўлди.



— Биз сизни аjoyиб инсон сифатида хурмат қиламиз, — деди Ислам Каримов урчушува. — Сиздек қатъият, вақтин, ўзини ишонган доно раҳбар билан урчишиб турганимдан юят мамнунман. Ўзбекистон — Литва муносабатларининг йиғирмадан зиёд ҳужжатларга ҳужжатдан иборат мустақам ҳуқуқий пойдевори бор. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўттиз-

маданий маркази ишлаб турибди. Айни пайтда эса Вильнюс ва Висагинос шаҳарларида Ўзбек маданияти маркази фаолият кўришмоқда. Урчушувада икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

(Ў.А.)

СУРАТЛАРДА:

қабул пайтидан лавҳалар.

Д. ЮСУПОВ, А. ТЎРАЕВ

олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 19 февраль кунини Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсин қабул қилди. Сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама мустақамланиб бораётир. Мамлакатимиз-

га АҚШдан кўплаб делегациялар келиб-кетишгани бунинг бир тасдиғидир. — Ташрифингиз АҚШда Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш кучайиб бораётганини яна бир далил деб биланмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўйлайманки, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан-да ривож топиб бораверади.

### ЛИТВАЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШИРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Литва Бош вазири Алгирдас Бразаускас раҳбарлигидаги делегация аъзолари 19 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб, Парламент Раиси Эркин Халилов билан урчушди.

Мулоқот чоғида давлатларимиз ўртасидаги алоқалар самарали ривожланиб бораётгани тасдиқланди. Узаро имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Литванинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа кўплаб соҳаларда тендик ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлигини янада ривожлантиришга замин бўла олиши қайд этилди.

Урчушува, шунингдек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш, узаро тажриба алмашишни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Литва Республикаси делегацияси шу кунини Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам бўлди. Бу ерда Литва Бош вазири А.Бразаускасга университетнинг фахрий доктори унвони топирилди.

Шунингдек, литвалик меҳмонлар пойтахтимиздаги Хотира майдонида «Мотамсало она» ҳайкали пойига тўқ қўйди ҳамда Халқаро бизнес марказини томоша қилди.

### МУДОФАА ВАЗИРАЛИГИДА УРЧУШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси генерал Ричард Майер бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Фуломов билан урчушди. Узаро мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШнинг ҳарбий соҳаларидаги ҳамкорлигида доир масалалар муҳокама этилди. Айтиш жоизки, бу жабулдаги алоқалар самарали кечмоқда. Айниқса, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Халқаро ҳарбий таълим ва машғулотлар (ИМЕТ) дастурида фаол иштирок этаётир. АҚШнинг ҳарбий ўқув даргоҳларида Ўзбекистонлик ҳарбийлар ҳам малака ошириб қайтмоқда. Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати хабарига кўра, 2002 йилда ҳам бир гуруҳ ҳарбийларимизнинг АҚШ Қуролли кучларининг ҳарбий академияларида тахсил олиб қайтиши режалаштирилган.

Сўхбат чоғида минтақавий ҳафсизлик, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасида ҳам фикр алмашилди. (Ў.А.)

### ПОЙТАХТДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ» МЕҲМОННАСИДА

Литва Бош вазири А.Бразаускасга ҳамкорлик қилаётган литвалик ишбилармонлар иштирокида Ўзбекистон — Литва кўшма бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамда Литва ҳукумати раҳбари А.Бразаускасининг таъриқ сўзлари билан очилди. Бош вазирлар давлатларимизнинг узаро манфаатли алоқаларни мустақамлаш бораётгани, мазкур семинар икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги ҳамкорликнинг фаоллашувига катта йўл очилиши тасдиқланди.

Мустақилликдан сўнг Литва кўплаб бошқа давлатлар катори Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шеригига айланди. Алоқаларимиз

## ИШБИЛАРМОНЛАР АНЖУМАНИ

ривожини, айниқса, озиқ-овқат, машинасозлик, кимё саноати, кишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида яққол кўзга ташланаётир. Зеро, икки давлатда ҳам узаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун қўлай шарт-шароит яратилган. Масалан, шу вақтгача Ўзбекистон билан Литва ўртасида савдо-иқтисодий соҳада, ҳаво алоқалари, божхона қонун-қоидаларининг бузилишига қарши биргаликда курашиш, саёфлик, автомобил ва темир йўл транспорти бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим-имзоланган.

Кунини кеча эса ҳужжатларимиз ўртасида сарможаларни рағбатлантириш ва ҳимо-

нда халқ амалий санъатининг ноҳир услублари, миллий ва умумбашарий мейморчилик аъзалари ўз ифодасини топаётган тасвирлар тасвирланди. Халқимизни, айниқса, ёшларни истиқлол юрлари, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, тарихий қадриятларимизни эъзозлашга хизмат қиладиган бу маърифат дарғонининг ўзига хос ва ўзига месо эконатлар билан жиҳозлашнинг таъминлаш ҳам муҳим вазифадир.

Иштирокида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

Элбек ХОЛИҚОВ,  
Ў.А. мухбири.

га яқин кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг олти таси тўла литвалик ишбилармонлар сарможаси билан ташкил этилган. Бироқ, музокараларда, мавжуд алоқаларимиз томонларини ҳали тўла қониқтирмаслиги, ҳамкорликни кенгайтириш учун кўплаб соҳаларда ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги тасдиқланди.

Анжуман сўнгида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлар палатаси билан Литва саноатчилари ҳамкорлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Сандмурод РАҲИМОВ,  
(Ў.А.)

### Қатағон қурбонлари ёди — муқаддас

Эл-юрт озодлиги йўлида шаҳид кетган, мустақил тузум даврида қатағон этилган юртоқларимизнинг муборак номларини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш борасида Президентимиз Ислам Каримов ташаббус билан кўплаб хайри ишлар амалга оширилмоқда. Мустақамлақ зулмдан жабр кўрган, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган, истиқлол даврида қатағон этилганларнинг қутлуд номлари тикланмоқда. Пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилган, бу ерда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қуришгани бундангина

улкан ишларнинг яққол далилидир. Ташкилот шайх ҳокимлигида таниқли олим ва ёзувчи, тарихчи, турли муассаса ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йилда айна шу ҳақда гап борди.

Иштирокида шайх ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Иштирокида музейнинг тематик режаси ва концепциясини тузиш, экспозициясини яратиш борасидаги ахборотлар тингланган. Хусусан, лойиҳалаш тугатилган, қурилиш ишлари жадал суръатда бораётгани,

унда халқ амалий санъатининг ноҳир услублари, миллий ва умумбашарий мейморчилик аъзалари ўз ифодасини топаётган тасвирлар тасвирланди. Халқимизни, айниқса, ёшларни истиқлол юрлари, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, тарихий қадриятларимизни эъзозлашга хизмат қиладиган бу маърифат дарғонининг ўзига хос ва ўзига месо эконатлар билан жиҳозлашнинг таъминлаш ҳам муҳим вазифадир.

Иштирокида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

Элбек ХОЛИҚОВ,  
Ў.А. мухбири.

## Мамлакатимизда

«Жиззахпактасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси пахта танаи қайта ишлаб, ундан ажратилган сифатли топадан хорижий ҳамкорларга етказиб бормоқда. Жумладан, Пахтакор туманидаги А.Икромов номидаги пахта тозалаш хиссадорлик жамияти ўтган йил 31 минг 600 тонна пахта хом ашёсин қабул қилиб, ҳозиргача шундан 20 минг тоннасин қайта ишлади.

Корхонада бугунги кунгача 5 минг тоннадан зиёд тола ишлаб чиқарилди. Улар, асосан, Германия, Швейцария, Россия, АҚШ, Англия ҳамда бошқа кўплаб хорижий мамлакатларга жўнатилди. Даромадга қараб бурмад, деганларидек, корхона ўтган йилни 40 миллион сўмга яқин фойда йил қилди.

«Соғлом авлод» халқаро хайрия жамғармаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳарбий йил 25 январдаги қарорлари доирасида кўплаб халқаро ташкилотлар, чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда узок муддатга мўлжалланган инсонпарварлик дастурларини амалга ошириб келмоқда. Биргина АҚШнинг «Амери Кер» халқаро хайрия ташкили билан ҳамкорлик натижасида Ўзбекистонга 15 миллион АҚШ доллари билан зиёд инсонпарварлик ёрдами келтирилди.

Кеча ана шу ташкилот томонидан юборилган 26,4 тонна инсонпарварлик юки ортлган самолёт пойтахтимиз аэропортига келиб қўнди. 1,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi бу доридармон ва тиббий аюклар, асосан, республикамизнинг энг чека худудларида яшаётган аҳолига етказилди.

Кунийўрғон туманидаги «Бешкаҳрамон» хиссадорлик жамияти билан «Иқбол» хусусий корхонаси ўртасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бера бошлади. Бу ерда томат пастаси ва кетчуп тайёрлайдиган цех қурилиб, фойдаланишга топирилди. Натияжа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди. «Иқбол»чилар хорижда ишлаб чиқариладиган кетчупни ўзининг маҳаллий шариотда ҳам тайёрлаш мумкинлигини амалда исботладилар. Улар келатган ёз мавсумида 5 минг шиша кетчуп қадоклашини ният қилиб туришибди.

Қўзил Ярим ой жамияти Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳузурида «Ешлар маркази» ни бошлади. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Америка Қўшма Штатлари Қўзил хон жамияти вакили Шейла Торнтон ҳам иштирок этди. Марказ ёш ўсимлар ўртасида санитария ва гигиена тарбиясини тарғиб қилиш, СПИД ва гийҳандликка қарши кураш ишларини олиб боради.

### «Халқ сўзи», «Ў.А.», «Туркистон-пресс».

## УЧ КАРРА ЭЪТИРОФ

Кеча мабуотда Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) Бош ижрочи директори Марк Д. Майлсининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга йўлаган таъриқ эълон қилди. Катта ракетка усталарининг сеvimли мусобақасига айлиб қолган аяғнавий «Президент кубоғи» турнири АТРнинг 2001 йилги «Олий сифат учун» мукофоти ва сазовор бўлган маълум қилинган мазкур таъриқда, жумладан, шундай дейилади:

«Президент кубоғи» бутун дунёда АТР мусобақалари учун аjoyиб андоза бўлиб хизмат қилаверади. Бундан Марат Сафин ўзининг чемпионлик унвонини мардонанвор саклаб қолган ўтган йилги беллашувлар ҳам истисно эмас. Ҳа, россиялик теннис юлдузи сўнгги йилларда кетма-кет икки бор «Президент кубоғи»ни қўлга киритди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Марат 2000 йилда айнан Тошкентдаги галабаси туйғай дунё теннисчиларининг тожини кийишга мўяссар бўлган эди. Сиз кўриб

турган сурат ана шу ҳаяжонли лаҳзаларда — М.Сафиннинг жаҳоннинг биринчи рақамли катта ракетка устаси учун махсус тайёрланган торти кесаётган пайтда олинган.

Профессионал теннисчиларнинг мусобақалар жадвали жуда тингизлигини биласиз. Мисол учун, яқинда кунини АҚШда энг нубузали саналган «US орен» турнири ниҳосига етса, эртасига Тошкентда мусобақалар старт олади. «US орен» иштирокчиларининг ҳар қандай чарчоққа қарамай, олис масофадан пойтахтимизга етиб келиши «Президент кубоғининг не чоғли мавқега эга эканлигидан далолат беради.

Кубонлар томони, юксак савияда ташкил этиладиган мазкур беллашувлар АТРнинг «Олий сифат учун» мукофоти билан илк бор тақдирланаётгани йўқ. 1999 ва 2000 йилларда ҳам «Президент кубоғи» ана шундай эътирофга сазовор бўлган. Бу галгисси ҳисоб бўйича учинчиси десак муболага қилмаймиз. Яна денг — кетма-кет.

Озод БЕК,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Чет элларда

Афғонистон Муваққат ҳукумати ўз мажлисида илгари Зоҳир Шохнинг ёрдамчиси бўлган Зайнаб Расулни Ҳаво транспорти ва туризм вазирини этиб тайинлади.

Япония ҳукумати Афғонистонга полиониелитга қарши вакциналар юборишга қарор қилган. Япония ташқи ишлар вазири Иорико Кавагучи ана шу ҳақда хабар тарқатган.

Филиппин ҳарбий кучлари «Абу-Сайф» экстремистик гуруҳи томонидан яқинда кунини гаровга олинган икки кишини озод қилишга муваффақ бўлди. Филиппин Қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг хабарига қараганда, жангарилар Филиппин жанубидаги Басилан оролида ширини нишган экан.

Фаластин ахборот манбаларида айтилишича, кеча Хон-Юнисда Исроил танклари томонидан араб қочоқлари лагери ўққа тутилган ва унинг натижасида уч киши ҳалок бўлган.

Европа Иттифокнинг ташқи сиёсати бўйича Олий комиссари Хавьер Солана шу ҳафта охирида Яқин Шарқ минтақасига ташриф буюради. Ушбу қарор Европа Иттифокни кирувчи давлатларнинг ташқи ишлар вазирилар мажлисида қабул қилинган.

Буэнос-Айресда юзлаб аргентиналиклар ҳукумат томонидан банк хисоб-рақамлари ҳаракатсиз қилиниб қўйилганга қарши норозилик билдириб, намоийишга чиқиб-моқда. Шу бонс банклар ҳафсизлигини таъминловчи хизмат ходимлари кучайтирилган режим асосида иш олиб боришяпти. Эслатиб ўтамиз: ўтган йилнинг декабрида ҳам ана шундай тартибсизликлар оқибатида 27 киши ҳалок бўлган эди.

НАТО Македониядаги тинчликпарвар амалиётларини яна уч ойга чўзишга қарор қилган. НАТО Бош котиби Жорж Робертсоннинг маълум қилишича, Македония ҳукумати НАТОга ана шу ҳақда илтимоснома юборган.


«Курск» кемасининг биринчи бўлимини сув остидан олиб чиқиш ишлари шу йилнинг май ойида бошланади. Россия Ҳарбий денгиз флотини бош қўмондонини Владимир Кираевнинг айтишича, бўлими сув остидан бутунлай эмас, балки унинг мутахассисларини қизиктиратган қисминини олиб чиқилади.

«Интернет».



Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли ширкат хўжалиги авзолари бултур чигитни Андижон усулида экиб, яхши натижага эришди. Шунинг учун улар бу йил мавжуд 400 гектар ернинг тенг ярмига уруғни плёнка остига қадашмоқчи.

— Экин мавсумида ишлатиладиган барча техника воситаларини бар-



вақт созлаб қўйдик, — дейди ширкат хўжалиги марказий устахонасининг механиги Обиджон Хатамов. — Айниқса, биз биринчи навбатда чигитни плёнка остига экидиган мосламаларни таъмирлашга алоҳида эътибор бердик.

СУРАТДА: Обиджон Хатамов.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Янги аср таълими: изланиш ва натижалар

# Овул мактабида компьютер борми?

Олис қишлоқларда жойлашган мактабларда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларнинг шаҳарлик тенгдошларидан кам жойи йўқ. Улар ҳам шаҳардагидек шарт-шароитларни оруз қилишади. Шу мақсадда республикада Халқ таълими вазирлиги Навоий вилоят доҳимлиги вакиллари билан биргаликда Учқудуқ, Томди, Конимех туманларидаги овул мактабларининг аҳволини ўрганиб чиқди. Етишмовчиликлар ўрнини тўлдириб тadbирларни тузилди.

Илмгоҳларни таъмирлаш, дарсликлар билан таъминлаш, қўшимча ўқув анжомлари сотиб олиш билан бирга ўқувчиларни компьютер саводхонлигига ўргатиш бугунги кунда муҳим муаммо. Ҳақиқатан ҳам таълим масканининг атиги 16 тасида компьютерлашган синфларга эришилган, холос.

Айни пайтда носозлиги туфайли ишлатилмаётган, эски қолипдаги компьютерлар ҳам анча. Жумладан, 13 та «Правец-8с», 7 та «Агат-9», 5 та «Агат-7», битта «Тошкент», битта «ДВК», учта бошқа турдаги компьютерлардан фойдаланиш-

## биринчи 13 миллион сўм бўлган компьютерларни уларга топширди.

— Биз чўл худудларидаги мактабларга катта эътибор қаратяпмиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Маҳмуд Алиев. — Белгиланган дастур бўйича яна 100 та синф жиҳозлангани режалаштирилган. Ҳомийлар кўмагини ҳам қўшса, бу рақам 110 тадан ошади. Навоий, Нурота туманлари ҳокимлари Ф. Облоқулов, У. Ҳақимовлар белгиланган таъминотдан ташқари биттадан мактабни компьютер билан таъминлашни дилларига тутиб қўйишган. «Нуротамармар», «Ҳозғонмармар» корхоналари раҳбарлари ҳам савобга бош қўйишмоқчи. Қанийди, ташаббусимиз бошқа тadbиркорлар, ташкилотлар орасида тезроқ кўчол ёйса!

Дангалини айтсақ, бугунги ишда тараққиёт дaвpида мустақил дaиpи-миз ишлари фақат компьютер саводхонлиги туфайли оламора буй кўрсатишлари мумкин. Асримизнинг ҳам компьютер асри деб бежиз атамадик-ку! Демак, имкониятлар эшигини янада кенроқ очиб, бу масалага ҳамминг бош қўйишига эришиш муштарак манзилга етиб бориш йўлини тезлаштиради.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



### Полимерлар лугати

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида полимерлар соҳасидаги русча-ўзбекча-инглизча атамалар лугати китобининг тақдимот маросими бўлди.

Кимё ҳамда физика фанлари халқ хўжалиги ва техника тараққиётида салмоқли ўринга эга. Айниқса, полимерлар ўзининг гоят серкирралиги билан инсоният ҳаётида муҳим соҳа эканлигини маълум. Оддий автомобиль салонининг 80 фоиз деталларини полимер ташкил этиши фикримизга яққол мисолдир.

Луғатта полимерлар кимёси ва физикаси ҳамда полимер технологияси оид бўлган энг керакли атамалар ва атама элементлари киритилганлиги ўқувчига полимер дунёси ҳақида кенг ва мукаммал маълумотлар беради. Беш мингта яқин терминнинг ўзбекча, русча ва инглизча таржималари берилганлигини эътиборга олсак, луғат наинки кимё соҳаси мутахассисини, балки олий ва ўрта махсус ўқув юрлари талабаларига, аспирантларга, профессор-ўқитувчиларга, таржимон ва илмий ходимларга асқотиши турган гап.

Муфтилло ЮСУПОВ.

### «Мерос»нинг хайри ишлари

Қуйичирик туманида «Мерос» миллий хунармандчилик корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлган йўқ. Аммо у аллақачон ўз харадорини топган. Корхонада асосан дўппи, кашта каби зардўзлик буюмлари, миллий либослар тикилади.

— Асосий мақсадимиз кейинги пайтларда қарийб унут бўлаётган миллий хунармандчилик буюмларини қайта тиклаш, — дейди корхона раҳбари Муборакхон Исомидинова. — Шу билан бирга, туманимиз қизларини иш билан таъминлаш билан бир қаторда уларни миллий қадриятларимизни севишти, бирор бир касб эгаси бўлишига ҳаракат қилишимиз. Айниқса, тикувчиликни ҳар бир қиз эпласи лозим. Халқимиз «Элли қиз — сепли қиз», деб бежиз айтмаган.

Корхонада яқин вақтларда ўғил болалар учун ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик курслари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

### Банк тизими

Биз ҳақиқий иқтисодиёт нима эканлигини, бозор муносабатлари инсон онгига нечоғлик таъсир этиши мумкинлигини бугунги кунда жуда яхши билемиз. Бир пайтлар иқтисодий муносабатларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар оқибати нималарга олиб келганини энди китоблардан эмас, балки кундалик турмушимиздаги ўзгаришлардан сезиб турибмиз.

Табиики иқтисодиётни соғлом ва барқарор юртининг одамлари маънавий бой, руҳан тетиқ бўлишини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

Ганни узокдан бошлашимизнинг боиси бор. Айни юқоридагига яқин фикрларни «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қирғули бўлими бошқарувчиси Маҳаммаджон Мирзақоновдан эшитганимизда беихтиёр ўн йил аввалги баҳсимиз ёдимизга тушди.

— Банк шунчаки пул олиб, пул берадиган корхона эмас, — дейди Маҳаммаджон ака. — Боз устига, у фақат молиявий идора ҳам эмас, балки ҳукуматимиз олиб бораётган сиебатнинг асосий ижрочиларидан бири. Яъни ҳоҳлаймизми-йўқми, биз ҳам сиебатчиларимиз. Мижоз манфаати — фаолиятимиз мезонидир.

Бошқарувчи банкда мижозларга хизмат кўрсатиш қай даражада йўлга қўйилганини тушунириш мақсадида бизни икки қаватли бинонинг биринчи қаватига таклиф этди. Бу ерда иш юзасидан келган мижозлар учун алоҳида хона жиҳозланган бўлиб, турли матбуот нашрларидан тортиб, иқтисодиётга оид қўнғунлар, хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга қаратилган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари билан танишиб чиқиш мумкин эди.

— Мижозларнинг банкимиз фаолияти билан танишуви мана шу ердан бошланади, — дейди Маҳаммаджон ака. Кейин қўшни хонага таклиф этди. — Танишинг, юристимиз Дилоромхон Одилова. У — мижозларимизнинг биринчи маслаҳатчиси. Биз билан ҳамкорлик қиломоқчи бўлганларнинг барча ҳужжатлари дастлаб Дилоромхоннинг қўлидан ўтади. Ана шундан кейингина унинг тавсияси билан тегишли бўлимлар мутахассисларига учрашадилар.

Сўнгра мижозлар билан ҳаммиша гавжум бўладиган кредит бўлимига ўтдик. Бўлим бошлиғи Собиржон Қўшоқов билан суҳбатимиз асосан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тadbиркорлар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида борди.

— Утган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 225 миллион сўм кредит бердик, — дейди Собиржон. — Шундан 78 миллион сўми микрокредитлар бўлиб, бу ўтган йилдаги нисбатан 2,5 баробар кўп, демакдир.

Банк мижозларининг кўпчилиги кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлар, шунингдек, микрокредит олиб илк бор хусусий тadbиркорликка қўл ураётган жисмоний шахслар эди. Шундай бўлиши табиий. Негакки, мамлакатимизда хусусий тadbиркорликка алоҳида эътибор берилган боиси мустақил иш юритиш иштиқидида бўлганлар сони кун сайин ортиб бораёпти. Ана шундай тadbиркорлардан бири — Тошқоқ туманидаги «Яккатут» жамоа хўжалигида яшовчи Обиджон Мажнонов фаолият билан танишиб, банк ёрдамидан оқилона фойдаланиш қандай натижа беришига гувоҳ бўлдик.

— Мен азалдан мол боқиб ишчи қўраман, — дейди тadbиркор. — Уйимизда ҳаммиша иккита сизир, 3-4 та қўй бўлади. Телевизорда катта-катта фермер хўжаликлари туриб, юртимизга танилаётган одамларни кўриб ҳавасим келиб юрарди. Бир кун одамиз аъзоларини жамлаб, «Биз ҳам чорва-

дан таъминлаётган серхаракат одамлар банкнинг энг фаол мижозларидир. Улар фаолиятдан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Биз уларнинг баъзилари ҳақидагина ҳикоя қилдик, холос. Аслида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қирғули бўлими нафақат Фарғона вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам йирик молия муассасаларидан ҳисоблана-

# МИЖОЗ МАНФААТИ - ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

254097,6 минг сўмни ташкил этган ёки 114003,9 минг сўмга ортади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш турларини янада кўпайтириш мақсадида «Совга», «Янги минг йиллик», «Оналар ва болалар» йилга бағишлаб «Келажак», Наврўз байрами муносабати билан «Бойчақ», Мустақиллик байрамига атаб «Мустақиллик», Мураббийлар кўни муносабати билан «Ўзгача хурмати» омонатлари очилди.

Фарғона, биласиз, мамлакатимизнинг саноати ривожланган худудларидан бири. Кимёвий товлар ишлаб чиқариш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирилшаси, механика заводи, «Искож», «Риштон-мебел» оиқ турдаги акцияжунланган йилда 6,085 миллион сўм ажратилди.

Булдар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Фарғона минтақавий филиалининг бир тармоғида амалга оширилган ишлар, холос.

— Минтақавий филиалимиз вилоят ишлаб чиқаришида алоҳида ўрин тутайди, — дейди унинг бошқарувчиси Эркин Мадалиев. — 2001 йил учун белгиланган нақд пул тушуми 10724 млн. сўм ўрнига 11723 млн. сўмни ташкил этди. Режа 109 фоиз этиб бажарилди.

Эмиссия даражаси эса режадаги 38,6 фоизга 37,5 фоизга тенг бўлди.

Филиалларимиз томонидан корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақидан мудатти Утган қарзларини тутатиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилади. Уларнинг дебиторлик қарзларини ундиришда яқиндан ёрдам берибди ва ундирилган маблағлар иш ҳақидан бўлган қарздорликни узишга йўналтирилди.

Бу мақсадлар учун ўзaro қарзларни узиш схемалари ишлаб чиқилди. 35 ҳолатда 6388381 ми и н г сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, иш ҳақи тўлаш учун 3877817 минг сўмлик қисқа мудатли кредитлар берилди. Аҳоли қўлидаги буш пул

2001 йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 860 млн. сўмлик кредитлар берилган бўлса, унинг 80 фоиздан ортиқроғи иқтисодиётнинг реал сектори — ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. Натижада қарийб 1500 млрд. сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, маънавий ва пуллик хизматлар кўрсатилди, 680 та янги иш ўрни яратилди.

«Раскар-2000» хусусий корхонасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаси учун 30 млн. сўм, «Ўзханко ЛТД» корхонасига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ташкил этишига 50 млн. сўм, «Истиклол» фермер хўжалигига 20 млн. сўмлик узоқ мудатли кредитлар ажратилгани шулар жумласидандир.

Юртимиз мустақилликка эришганига ўн йилдан ошди. Тарих учун қисқа бу даврда ҳар соҳада улкан ютуқларга эришганимизни бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бунинг талай омиллари бор, албатта. Улардан бири, юқорида ҳикоя қилганимиздек, мустақил юртимизнинг чуқур иқтисодий асосларга эга бўлганлигидир.

Фарғона вилоятида яшаб, меҳнат қилётган инсонлар фаолияти, уларга яқин ҳисоблаш бўлаётган банк хўжалиги ишини кўриб, шундай хулосага келдик.

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### А-ЗАМИ

ВИТРАЖНЫЕ СИСТЕМЫ ОКНА

КОМПОЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ

изготовление по размерам заказчика

Доставка и установка по городу Ташкенту - бесплатно!

Тел: 195-41-53

мобильный 87-44-06, 80-88-42

### Makita

КАПОЛАТ, СЕРВИС, ЗАПАСНЫЕ ЧАСТИ

- ✓ ПЕРФОРАТОРЛАР
- ✓ АВТОМАТИК БОЛГАЛАР
- ✓ ЭЛЕКТР АРЕЛАЛАР
- ✓ ШУРУП БУРОВЧИЛАР
- ✓ МЕТАЛЛ ҚАЙЧИЛАР
- ✓ СИЛИҚЛАШ МАШИНАЛАРИ
- ✓ РАНДАЛАР
- ✓ ДИСКЛИ АРРАЛАР
- ✓ АККУМУЛЯТОРЛИ АСБОВАЛАР

ВАРЧА АСБОВАЛАР ЕВРОСТАНАРТГА МУВОФИҚ

Makita - СИФАТ ВА ИШОНЧАНЛИК БЕАГИСИ.

Ташкент ш., 700000, В. Малясов к., 3, 113 - 115-хона. Тел.: (998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24. E-mail: malul@operamail.com

### Бир томчи сув қадри

тўплашига эришилди.

Маҳаллий ўғитнинг афзаллиги шуки, у минерал ўғитдан анча арзон, устига устак, сувни тежаш имконини беради. Яқинда жамоа буйича 8 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда усулдида сугорилди. Натижада ердан сақданшига, ғўзанинг барвақ ривожланиб, мўл ҳосил

пахтадан 820 минг сўм соф фойда қўлга киритилгани бунинг далилидир.

Дарҳақиқат, сув — бебаҳо бойлик. Унинг ҳар бир томчисидан қанчалик унумли фойдаланилса, ҳосилдорлиқни шунчалик ошириш имкони туғилади. Бундай имкониятлар эса ҳар бир жамоада мавжуд. Масалан, биз бу йил ҳам



Утган йили туманимиздаги «Янгиобод» ширкат хўжалигида ҳам сув тақчиллиги қийинчиликларига дуч келинди. Ана шундай бир шaroитда бошқарув раиси маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланишни йўлга қўйди. Ҳар бир пайкалга тоналда нури келтирилди. Экинлар фақат шарбат усулдида сугорилди. Натижада ердан сақданшига, ғўзанинг барвақ ривожланиб, мўл ҳосил

кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит жамғариб қўйдик. Ариқ-зобурларнинг ҳаммасини тозаллаб, тартибга келтирдик. Ўйлайманки, бу тadbирлар ўз самарасини беради.

Собир МИРЗАЕВ, Оқдарб туманидаги «Садулла» фермер хўжалигининг раҳбари.

# МИЛЛИЙ

## эстрада кўшиқлари

Шу йилнинг 11-13 февралда «Туркистон» саройида «Азиз она юртим наволари» деб номланган миллий эстрада кўшиқлари 1-республика танловини бўлиб ўтди. «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси ва «Ешлар» телканали мажмур танловдан мақсад ҳақимизнинг юксак маънавий фазилатлари ва қадриятларини камол топтириш, ўзбек миллий эстрада кўшиқчиликлари саноатини янада ривожлантириш, эстрада соҳасида ижод қилаётган ёш хонанда, бастакор ва шoirларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам кўрсатиш, истиқлол даврига мос янги, миллий руҳда яратилган кўшиқларни оммалаштириш, келажак авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборат эди.

### маданият ва маънавиятимиз кўзгусидир

ри таркибида ўзбек миллий соҳари ҳам бўлиши мумкинлиги, хонанда ва созандалар уларни тўғри ва ижодий ишлата билишлари зарурлиги ҳам иштирокчилар амал қилиши лозим бўлган қондалар эди.

Танловнинг саралаш босқичлари шу йилнинг 10-20 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган. Ундан муваффақиятли ўтган 60 нафардан зиёд ёш эстрада хонандалари ва жамоалар танловда иштирок этди. Танлов уч босқичда ўтказилди.

### Танлов сабоқлари

Биринчи босқичда иккита кўшиқ тингланди. Улар воҳаларимизга хос ўзбек халқ ашуларлари ва мумтоз куйлар асосида яратилган, қайта ишланган, замонавий ўзбек шoirлари ва бастакорларнинг миллий руҳдаги янги асарларидир.

Иккинчи босқичда ҳам иккитадан кўшиқ ижро этилди: устоз санъаткор Ботир Зокиров ижодий репертуарини битта ашула, жаҳон эстрада санъатининг энг ёрқин ва омавий кўшиғи бўлган халқ тилида айтилди.

Учинчи босқичда эса Наврўз, баҳор нашидаларини тараннум этувчи, меҳнатқаш ва бунёдкор халқимизни улуғловчи миллий руҳда яратилган биттадан янги кўшиқ ҳў олди.

Иштирокчилар бор куч ва маҳоратларини ишга солиб, танловга катта иштиёқ билан тайёргарлик кўришган. Иккитадорлар, янги номлар бор. Ботир Зокиров кўшиқларини эстрада симфоник оркестри жўрлигида 17 нафар хонанда жўли овозида шундай чиройли куйлаб беришдики, қўйверасиз. Айниқса, Акмал Саидов билан Света Сайдиёвалар маҳорат билан ижро этишди. Ботир Зокиров асос солган эстрада симфоник оркестри йўналиши бу ўринда тўғри йўлга кўйилди. Шунингдек мумтоз кўшиқлар («Тановор», «Муножот», «Қаро кўзим», «Фаргона жон оттуғича» каби) эстрада йўли билан ижро этишда ҳам олдга силжиб бор. Бунда оранжировкачи (музиқани жой-жойига қўйиб берувчи) асосий роль ўйнайди.

— Танлов голиби деган ном қайси хонандаларга насиб этди? — Битта биринчи ўрин ҳайъат аъзолари қарорига кўра бўш қолди, яъни ҳеч кимга берилмади. Алишер Рўзमतов билан Оксана Нечитайло иккита иккинчи ўринга муносиб бўлишди. Турта учинчи ўринни «Пари» гуруҳи (Карина Тошматова, Гавҳар Аҳмедова), Валий Бектурганов (Қорақалпоғистон), Гулчирай Усмонова (Навоий) ҳамда Қаҳрамон Хайдаров (Тошкент) эгалладди. Уларга «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси томонидан имтиёз-

ли равишда (бепул) ижодий фаолият кўрсатишлари учун бир йил муддатга лицензия ҳам тоширилди. Турта рағбатлантирувчи дипломлар ва 22.500 сўмдан пул мукофоти билан Акмал Саидов, Света Сайдиёва (Тошкент), Сурайё Қосимова (Фарғона) ҳамда Бахтиёр Баёний (Самарқанд) тақдирландилар. Қатор хонандалар эса турли жағмарга банк, ташиқлот, фирма ва яққа шахслар совринларига сазовор бўлишди.

Танлов кунларида устоз эстрада хонандалари, бастакорлар, шoirлар ва созандалар билан ижодий учрашулар ва суҳбатлар ўтказилди.

Танлов ўз навбатида бугун миллий эстрада санъатида қатор муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Чунончи танлов иштирокчиларининг овози хилма-хил, ноёб ва дардли.

Лекин эстрада фақат овоз санъати эмас-да. Хонандаларда маҳорат етишмайдми, саҳна ҳаракати ва маданияти кам. Аксарияти ҳали устозлар атигидан тугмаган, кўп ҳолларда уларни йўқотиб қўйишди. Мураббийга муҳтожлар. Шунинг учун уларда профессионал кўшиқлар йўқ. Танловда яна шу нарсга маълум бўлдики, қайфиятни кўтарувчи «шўх» кўшиқлар ҳақдан ташқари кўп.

— Санъатшунос сифатида ўзингиз қайд этиб ўтган камчиликларини тугатиш учун қандай чора-тадбирлар қўлаш мумкин деб ўйлайсиз?

— Энг аввало, бастакорлар Езувчилар уюшмаси ва телевидение, «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ишлашлари зарур. Бизда имкон қадар амалий ҳаракатлар бўлаётти. Бирлашма қошида эстрада санъатини ривожлантириш жағмараси ишлаб турибди. У ёш хонандаларга моддий-амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистон халқ шoirлари Жуманиёз Жабборов, Анвар Обиджон, Нормурод Нарзуллаевлар ҳамда Маҳмуд Тоировдан иборат Бадий кенгаши кўшиқлар ва репертуар савиясига жаъобгор. Маҳорат ошириш секциясини эса Мансур Тошматов бошқармоқда. Амалга оширилаётган ишларни бош директор Баҳодир Абдураҳимов доимо назорат қилиб туради. Ёш хонандаларга шoir, бастакор, ҳомий топиб бериш ҳақида қайғуриш керак-да. Мақтаниси эмасу, «Халқлар дўстлиги» ва «Туркистон» саройларида намойиш этилаётган концертларда ураура, енгил-епилик деярли йўқ. Лекин телевидение ва радиода бунинг акси. Назаримда, улар лицензияга қарашмаппти. Ганнинг очиги бугун Бастакорлар уюшмаси бор-йўқлигини нафақат ёшлар, балки устоз хонандалар ҳам унутиб юборишган. Умуман, Бастакорлар ва Езувчилар уюшмалари эстрада

санъатига бағишлаб бирор амалий тадбир ўтказганини меннинг ўзим ҳам эслаёлмайман. Аслида эстрада кўшигини авваломбор шoir билан бастакор яраатади-ку!

Масаланинг иккинчи томони ижодий ўқув юртига бориб тақалади. Консерваторияда, эстрада-ширк коллежиди, Тошкентдаги Ҳамза номли ва вилоятлардаги санъат билим юртиларида эстрада факультетлари ва бўлимлари бор. Афесуки, мажмур ўқув даргоҳларида бўлғуси эстрада хонандалари етарли билим берилмаётти. Берилётгани ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева консерваторияда ҳафтасига икки марта дарс ўтса бўлмайми? Албатта бўлади. Бунинг учун уларни тақлиф қилиш, тажрибасидан, маҳоратидан, ижросидан фойдаланиш керак. Миллий эстрада санъати гулчирай эрмак, дилхўшлик ёҳуд шоу-бизнесга айланиб қолмаслиги керак.

**60-йилларда Ботир Зокиров Францининг «Олимпик» концерт залидида куйлаганида санъатшунос Артур Хеллер уни «Сиз — ҳодисасиз. Жаҳон эстрада санъати тоза ҳаво олиб кирган ҳодисасиз», — деб табриқлаган эди. Чиндан ҳам ўша йилларда жаҳон эстрада санъати миллий кўшиқлар билан ўралашиб қолган, ўзбек санъаткори эса ўзининг «Раъно», «Ғазли» каби қатор ашуларини билан уни ислоҳ этганди.**

Суҳбатимиз ниҳоясида бир нарсани таъкидламоқчиман: танлов юртимиз истеъдодларга бой эканлигини кўрсатди. Уларни профессионал даражага кўтариш алоҳида масала. Танлов миллий эстрада санъатини ривожлантиришда қўйилган яна бир қадамдир. Ҳар қандай қадамда эса ютуқлар, камчиликлар бўлиши табиий.

Бугун бизда изланиш, ишлаш ва яратиш учун шароит етарли. Вақтини зое кетказмасдан ана шу имкониятдан маҳорат билан фойдалана билишимиз лозим. Мўҳими, ҳар биримизда шу Ватан учун хизмат қилай, бирор яқши нарсга ёзай, қурай, яратай, кашф этай деган ўй-фикр устувор бўлиши керак. Миллий эстрада соҳасида профессионал ва дилбар кўшиқлар яратиш ҳам ана шулар сирасига кирди.

**«Халқ сўзи» муҳбири Гулчирай Йўлдошева суҳбатлашди.**

## ҲИҚМАТ

Ғаразлик киши сўзини сўз дема,  
Ишониб анга сўнгра афсус дема.



## ягона

Бундан икки йил аввал Наманганда олий ўқув юртига талабаларнинг спорт мусобақалари — биринчи тарихий универсиада ўтказилганди. Унинг тантанали очилиш мурасимиди «Навбахор» марказий стадиони қандай безалгани, бу ердаги гузаллик ҳозир ҳам шундай кўз олдимида турибди. Айниқса, иштирокчи ёшларнинг зақшавқини айтиш. Уларнинг юрак тафти қўллариди ҳилчираётган Ватан байроғига кўчганди гўё.

Талаба ёшларнинг ана шундай байрами бу йил кўҳна ва ҳаминша навқирон Бухорода ўтказилди. Май ойиди, қўриб турганингиз ажайиб стадионда «Универсиада — 2002» спорт мусобақаларининг машъаласи ёқилди. Таъкидлаш жоизки, бу стадион нафақат гузаллиги, балки кенг қамровли имкониятлари, халқаро андозларга тўлиқ мос келиши жиҳатиди Марказий Осиёда қиёси йўқ спорт мажмуаси бўлади. Ҳар ким ҳавас қилса аргизулик қошона, шундай эмасми?!

Яна бир эътиборли томони, у даставвал юртингиз эртанги умиди, миллат келажиги бўлган ёшларни ўз бағрига чорлайди. Янами? Яна у кўпчилик ишонмайдиган даражадаги ўта қисқа фурсат ичида қад тикламоқда. Умумий сарфи 4,5 миллиард сўм бўладиган стадион лойиҳаси хориж тажрибалари қиёсий ўрғанилган ҳолда Бухоро экспериментал лойиҳалаш илмий текшириш институтининг Толиб Низомов бошчилигидаги гуруҳ ҳолим-

лари томониди ишлаб чиқилган. Стадион жами 25 миң томошабинни ўз бағрига сиғдира олади. Ундаги ўриндиқлар шундай жойлаштирилдики, олдинги қаторлар орқадиги томошабинларни тўсиб қўймайди. Қайси сектордан қай эгаллашингиздан жўйи назар майдоннинг барча бурчагини аниқ кўриш имкони яратилади. Ҳисоб-китоблар шу даражада пухта қилинган. Кўпчилик стадионларимизда бу борада бир қадар ноқулайликлар мавжуд эканлигини яқши биласиз. Ҳатто «Пахтакор»да ҳам.

Бухородаги янги спорт мажмуаси яна бир жиҳатдан ажралиб туради. У ҳам бўлса томошабинлар ўтирадиган жойининг усти ёпилишидир. Бир сўз билан айтганда, бу қошона мамлакатимиздаги дастлабки ёпиқ стадион мақомини олади. «Бухороқурилиш», «Иркурилиш», «Бухоросувқурилиш», «Бухороканалқурилиш» ва «Бухоронейгазуқурилиш» акциядорлик жамиятларининг 1200 дан ортиқ бунёдкорлари стадионни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун у сменала меҳнат қилишаётти. Улар билан суҳбатлашар экансиз, қадрдон шахарлариди шундай гузал иншоот бунёд этаётганларидан нақадар мамнунликларини сезишингиз қийин эмас.

— Стадион Бухоронинг

эски ва янги шахарлар туташган жойда қад ростлаётгани билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Раҳим Хайдарзода. — Бу ерда футбол майдонидан ташқари 18 та спорт тури билан доимий шугулланиш имконини берадиган 12 та машғулотлар зали ҳам бўлади. Кийиниш-чиниш, ювениш хоналарининг ёнма-ён жойлашгани, дам олиш ва овқатланиш хоналарининг шинамлиги бу ерга келувчиларга катта қулайлик яратди. Югуриш йўлаклариди замонавий фотофиниш мосламаси, стадион ёнидаги спорт майдончалари ҳам ҳамшаҳарларимизнинг севимли гўшасига айланаб қолади деб ўйлайман.

Стадионнинг марказий секториди журналистлар учун яратилаётган қулайликлар ҳам эътиборни тортади. Теле ва радиосаҳроловчилар учун алоҳида хоналар, матбуот ходимларининг эркин ишлашлари учун махсус жойлар ажратилган. Бунда фаолият кўрсатилган мухбир шахарлараро телефон, факс, модем уланган компьютердан фойдаланиш мумкин бўлади.

Хуллас, Бухорода халқимиз бунёдкорлигининг гузал намунаси сифатида қад ростлаётган яна бир қошона фойдаланишга топшириш арафасида турибди. У ўз имкониятлари жиҳатидан Марказий Осиёда ягона бўлади.

**Озод РАҲАБОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси. Бухоро-Тошкент.**

**САВОЛ БИЗДАН...**

Био-Био деган жуғрофий атаманимлардан иборат?

Кечги сонда берилган саволнинг жаъоби: 118 та оролдан ташқил топган. Бу ҳақда тошкентлик 3. Холдиев хабар берди.

136-35-60

**«ГАЗ» очиқ акциядорлик жамиятининг расмий импортёри «PETROL SERVICE» қўшма корхонаси**

Биринчи қўлдан жуға арзон нархларга 2002 йилда ишлаб чиқарилган (вагонларга келтирилган, йўл босиш масофаси нолга тенг) «ВОЛГА» автомобилларини тақлиф этади.

**Бунақа арзон нархлар шу кунгача Ўзбекистонда бўлмаган !!!**

Бугунги кунда метронинг «Беруний» бекати ёнидаги «Интра-Оил» ёнилиги қуйиш шохобчаси автосалонида

**ГАЗ 3110 — нархи 9,8 млн. сўм ва ГАЗ 3102 — нархи 11,8 млн. сўм**

бўлган автомобилларни харид қилиш мумкин.

Буюртмага бинован, «ГАЗ» автомобилларининг ҳар қандай турларини етказиб бериш имконияти бор.

**Телефонлар: 137-23-63, 137-13-43, 137-01-02, факс 180-35-05.**

**Шунингдек, пул ўтказиш йўли билан дизель ёнилғиси ва бензинлар қуйидаги нархларга сотилади:**

дизель ёнилғиси — 330 сўм ва ундан юқори; АИ-92 — 420 сўм ва ундан юқори; АИ-96 — 450 сўм ва ундан юқори; АИ-80 — 350 сўм ва ундан юқори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегия ва митгақалларро тақдиротлар институти жамоаси институтининг социологик тақдиротлар сектори мудири Шафбат Нуруллаевага онаси <b>ҲОЖИ</b> янинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокуратури <b>ҲАКИМОВ</b> нинг Рўстам Ҳамидовга онаси <b>Алишер ҲАЛИМОВ</b> нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокуратури <b>ҲАКИМОВ</b> га онаси <b>Алишер ҲАЛИМОВ</b> нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.	«ЎЗЛИТТИ» АЖ жамоаси технология бўлимининг собиқ мудири, техника фанлари номзоли <b>Уткир ФОЗИЛОВ</b> нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.	«ЎЗЛИТТИ» АЖ жамоаси туркумлаш бўлими мудири, архитектура доктори, Абдуваҳид <b>МАҲКАМОВ</b> нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.
--	--	---	---	--

**«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**  
Аббосхон УСМОНОВ

**Тахрир хайъати:**  
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92  
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 133-07-48  
Газетхонлар билан алоқа ва митгақалар — 136-29-89; 133-07-48  
Фан, соҳилни сақлаш, таълим ва турizm — 132-12-08;  
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**

Буюртма Г — 83, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базисида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.** Навбатчи муҳаррир — **Г. ЙЎЛДОШЕВА.** Навбатчи — **О. РАҲАБОВ.** Мусаххих — **О. АБДУАЗИМОВ.**

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширишда — 22.40

1 2 3 4 5 6

**NORD-WEST**

КОМПАНИЯСИНING РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

**ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

алюминийдан ишланган **РОМ** **ЭШИК ВА ВИТРАЖ ТИЗИМАЛАРИ**

Шунингдек, алюминийдан ишланган турли рангдаги профиллар сотади.

Иссиқлик сақловчи Чандан сақловчи Товушни пасайтирувчи Рангини ўзгартирмайдиган Ҳаво ўтказмайдиган шишали қатлам

Алюминий ва цинкланган металлдан ишланган электрон дарвозалар тайёрлаймиз

Узбекистон Республикасининг барча ҳудудларида фаолият кўрсатамиз

тел.: (371) 144-01-93 144-04-56

манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 17-уй, 3-хонадан.

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегия ва митгақалларро тақдиротлар институти жамоаси институтининг социологик тақдиротлар сектори мудири Шафбат Нуруллаевага онаси **ҲОЖИ** янинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.